

**АЛИЖОНОВ Муслимбек**  
 Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон  
 қурбонлари хотираси давлат музейи эркин  
 тадқиқотчиси

## ҒОЗИ ЮНУС ВА ЖАДИДЧИЛИК ХАРАКАТИ

### ҒАЗИ ЮНУС И ДВИЖЕНИЕ ДЖАДИДОВ

### GAZI YUNUS AND THE JADID MOVEMENT

**Аннотация:** Ушбу мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ва Мовароуннаҳр ўлкаларига кириб келган жадидчилик ҳаракати, жадид ва қадим мунозараларининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу тараққийпарварлик жараёнларида иштирок этган адиб, публицист, драматург Ғози Юнуснинг ҳаёти, унинг жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни ёритилган. Шу билан бирга Ғози Юнуснинг “Ишчилар дунёси”, “Қизил байроқ”, “Туркистон” газета-журналларидаги фаолияти ва у томонидан Туркистон мухториятининг мустақиллигини сақлашга доир миллий матбуотдаги мақолалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Жадидчилик, Ғози Юнус, Бароқхон мадрасаси, “Аввали илм”, “Ақоид”, Лапландия, “Турон” театри, “Наириёти Ғози Юнус”, “ТуркРОСТА”, “Иштирокиюн”, “Зарафшон”, “Садойи Туркистон”, Туркистон мухторияти.

**Аннотация:** В статье рассмотрено джадидское движение, проникшее в Туркестан и Мовароуннахр в конце XIX начале XX веков, особенности современных и древних дебатов, жизнь писателя, публициста и драматурга Гази Юнуса, принимавшего участие в этих процессах развития и его роль в движении джадидов. Также анализируется деятельность Гази Юнуса в газетах «Рабочий мир», «Красное знамя», «Туркистон» и его статьи в национальной печати о сохранении независимости Туркестанской автономии.

**Ключевые слова:** джадидизм, Гази Юнус, Медресе Баракхана, «Аввали илм», «Ақоид», Лапландия, театр «Турон», «Наириёти Гази Юнус», «ТуркРОСТА», «Иштирокиюн», «Зарафшон», «Садойи Туркистон», автономия. Туркестана.

**Annotation:** This article consists the Jadid movement, which entered Turkestan and Movarounnahr in the late 19th and early 20th centuries, peculiarities

of modern and ancient debates, the life of the writer, publicist, and playwright Ghazi Yunus, who took part in these development processes, and his role in the Jadid movement. It is also analyzed the activities of Gazi Yunus in the newspapers “Workers’ World”, “Red Flag”, “Turkiston” and his articles in the national press on the preservation of the independence of Autonomy of Turkestan.

**Keywords:** Jadidism, Ghazi Yunus, Barakhan madrasah, “Avvali ilm”, “Aqoid”, Lapland, “Turon” theater, “Nashriyoti Ghazi Yunus”, “TurkROSTA”, “Ishtirokiyun”, “Zarafshan”, “Sadoyi Turkiston”, Autonomy of Turkestan.

## КИРИШ

XIX аср охири XX аср бошларига келиб мусулмон дунёси тобора глобаллашиб ва ривожланиб бораётган Европа тараққиёти ва маданиятидан ортда қола бошлади. Бунинг натижаси ўларок, ислом оламида анъанавий мусулмон таълим тизимини модернизация қилиш, Европа илм фанидан ўрганиш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида бонг ургувчи алоҳида зиёли тараққийпарварлар гуруҳи шаклланди. Улар ўзларини жадидлар деб атаб, исломнинг илм фанга бўлган классик даврлардаги эътиборини қайтаришни хошлашди, ушбу йўлда консерватив қарашларга эга бўлган қатлам вакиллари билан кураш олиб борди. Жадидчилик шундай ҳаракат эдики, у шунчаки “янги” ё бўлмаса “янгилик тарафдори” дегани эмас, балки “янги тафаккур”, “янги инсон”, “янги авлод” сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этарди [3:5]. Ушбу ҳаракатнинг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланиб ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланишида Абу Наср Курсавий (1776-1812), Шаҳобидин Маржоний (1818-1889), Жамолиддин Афғоний (1839-1897), Исмоилбек Гаспирали (1851-1914), Олимжон Барудий (1857-1921), Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), Маҳмудхўжа Бехбудий (1874-1919), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тавалло (1882-1939), Абдулла Қодирий (1894-1938), Ғози Юнус (1889-1942) каби кўплаб маърифатпарвар инсонлар катта ҳисса қўшган.

Ғози Юнуснинг жадидчилик ҳаракатидаги ўрни ва роли тадқиқотчиларимиз томонидан чуқур ўрганилмаган муаммолардан бири бўлиб, ушбу масалани илмий нуқтайи назардан таҳлил қилиб бериш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эгадир.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ғози Юнуснинг аниқ таржимаи ҳоли илк маротаба жадидушнос олим Сирожиддин Аҳмедов томонидан эълон қилинган бўлиб, Ғозимаҳамат Маҳаматюнус ўғли 1887 йилда Тошкент шаҳар 3-Охундгузар маҳалласида иморатсоз уста Маҳаматюнус ва машхур шоир – “Котиб” – Пирмуҳаммад Аълам Турсунмуҳаммад ўғлининг синглиси мактабдор Зулфия отин оиласида дунёга келган [3:14]. Ғозимаҳамат илк таълимни онасининг [8:13] қўлида олиб хат-саводини чиқаради. Бу тўғрида унинг ўзи қуйидагиларни ёзади: “Ибтидоим тахсилим эски мактабда бўлуб, ёшим 15 га кирганда Барокхон мадрасасина тахсилга кируб, 8 йил истиқоматимда “Аввали илм”дан бошлаб, “Ақоид”га етдим”. Сирожиддин Аҳмад Ғози Юнуснинг мадрасани давом эттиришга иктисодий имконияти йўл қўймаганини таъкидласа [8:14], Ғафур Умурзаков аксинча у мадрасада тахсил олиб, форс, араб, турк тилларини мукамал эгаллаганини, ўқишни тамомлагач унга “мулла” унвони берилганлигини, ҳатто мударрисликка ҳам таклиф этилганлигини бироқ бу таклиф Ғози Юнус томонидан босмаҳона очишга доир режалари сабаб рад этилганини ёзади [10:7,8].

Бироқ биз томонимиздан Ғози Юнуснинг шахсий арихиви ва ўғли Тўлқин Ғозиевнинг хотираларини кўздан кечириш жараёнида аён бўлдики, Ғози Юнус ўзига тўқ, ҳатто бой кишилардан бўлиб ўзидан камбағал шахсни яшашга мажбур бўлган. Нега деганда болшевиклар йўқсуллар (камбағаллар М.Алижонов) мамлакатини курмоқчи ва табиийки бундай давлатда бойларга ҳеч қандай ўрин йўқ эди. Шунингдек Ғафур Умурзаковнинг фикрига нисбатан айтиш мумкинки, Ғози Юнус мадрасани тўла тамомлаб бир муддат мударрислик ҳам қилган.

1916 йилда подшо Николай II томонидан “Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги қўшин туманларида, ҳарбий иншоотлар ва шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш” фармониға мувофиқ Туркистоннинг барча шаҳарлари, шунингдек Тошкент шаҳридан чақирилган эркаклар билан бирга Ғози Юнус ҳам мардикорликка жалб этилади. Унга рус тилини билишлиги қўл келиб чор

қўшинларининг “Сотник таржимон” ҳарбий унвонида таржимонлик билан шуғулланади ва айнан ана шу мардикорлик йилларида Ғози Юнуснинг онг ва тафаккурида чинакамиға инқилоб содир бўлади. Бу ҳақида унинг ўзи “1916 йилгача савияйи фикрим ва аҳволи руҳиям шу даражада ўринсиз асосға қурилгон эдики, агар ёдға тушса, юрагим тепадир. Агар Оврўпа муҳорабаси (I жаҳон уруши назарда тутилмоқда – М.Алижонов) чиқуб, биз туркистонликлардан ишчи кучлар олинмасайди, балки ўша мадрасада мутаассиб жаҳолатнинг қурбони бўлур эдим. Мен муҳорабадан мамнундирманки, мени ҳақиқатға йўлиқтирди. Ишчи баҳонаси бирла мени Лапландия губерниясиға олиб борди ва губерниядаги ерлик халқ умумиятла лотиш халқидан иборат экан. Тўққуз ойда бу миллатнинг аҳволи руҳияси бирла яхши танишдим. Бу миллатнинг руҳонийлари ҳар бир соҳада, сиёсатда халқнинг фикри бирла ҳисоблашаркан, лотишлардаги тараққийнинг руҳонийларнинг фаолиятида кўрдим. Фикримда шу даражада ўзгариш сездимки, бутун Туркистон жаҳолат ўчоғи эканини яхши тушундим” [6:2] деб ёзади.

Ғози Юнус мардикорчиликда юрган пайтида ярланади. Унинг шахсий делосидаги 908-рақамли Шимолий дала госпиталининг ҳамда 1916 йил 1 сентябр 6726-рақамли рақамли маълумотномаға биноан учинчи гуруҳ ногирони бўлиб мардикорликдан қайтиб келади. Ғози Юнус мардокорликдан қайтиб келгач, укаси Файзи Юнус тарғиботи билан 1916 йилдан аъзо бўлган “Турон” труппаси ва жамияти ишларида фаол қатнаша бошлади [8:15]. Бу ерда у Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдула Хўжаев, Абдулла Авлоний, Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъламов, Баширулла Хўжаев каби зиёлилар таъсирида жади́дчилик ҳаракати вакиллари томонидан илгари сурилаётган маслак ва мақсад йўлида ҳаракат қилишға қарор қилади.

Ғози Юнус 1918 йилнинг январида “Ишчилар комитети” томонидан ташкил қилинган ҳамда Ҳисомиддин Жалолий масъул муҳаррир бўлган “Ишчилар дунёси” журнали бўлим мудири бўлиб фаолият бошлади. Гарчи журналнинг бош муҳаррири расман Ҳисомиддин Жалолиддин бўлсада, унда кириш ва асосий мақолалари Ғози Юнус томонидан

эълон қилинган, бошқача айтганда Ғози Юнус де-факто журналнинг бош муҳаррири эди. Бироқ журналда болшевиклар ҳукуматининг ғазабини кўзгайдиган, айниқса Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаб Ғози Юнус томонидан ёзилган мақолалар сабаб журналнинг 6 - сони чоп этилганидан сўнг тўхтатилади. Шундан сўнг таъқибга учраган Ғози Юнус 1920 йил январигача Черняев уезди Сайрам ижроқўмида ишлади.

Вазият бироз юмшагач Сайрамдан Тошкентга қайтиб келиб “Нашриёти Ғози Юнус” матбаасини ташкил қилди ва ушбу матбаада Муҳаммад Ордобудийнинг “Андалуснинг сўнгги кунлари”, Абдурауф Фитратнинг “Ўғузхон”, Маннон Уйғурнинг “Туркистон табиби” ва ўзининг “Заҳхоки морон” асарларини нашр эттирди.

Ғози Юнус 1919-1920 йилларда “ТуркРОСТА” ва “Иштирокиюн” газетасида адабий муҳаррир, таржимон ҳамда адабий ходим вазифаларида фаолият кўрсатди [9:65]. 1921 йил 16 декабрда Туркистон марказий ижроия қўмитаси ва ТКП (б) Марказқўми буйруғи билан “Қизил байроқ” газетасига масъул муҳаррир қилиб тайинланади. Ғози Юнус ушбу газетада 1921 йил 16 декабрдан 1922 йил январгача фаолият олиб бориб, сал кейинроқ яъни 1923 йилдан бошлаб “Туркистон” газетасида ҳам ишлайди. У “Қизил Байроқ” газетасини жонлантириш ва савиясини кучайтириш учун газета таҳририятига Санжар Сиддик, Шохрасул Зуннун, Аъзам Айюб, Карим Бакир, Вали Алламов, Муҳаммаджон Аҳмаджонов Муҳаммад Ҳасан ва бошқа зиёлиларни жалб қилди [9:66].

1923 йилда Туркистон МК буйруғи билан Тошкент эски шаҳар ижроқўми Ғози Юнусни “Меҳнат ва матбуот қаҳрамони” унвони билан тақдирлайди. 1922 йилнинг бошига келиб “Инкилоб” журнаlining таҳрир хайъати аъзоси этиб белгиланади. 1922 йил сентябр ойида Самарқандда чоп қилинадиган “Камбағаллар товуши” газетасини жонлантириш ва янада самарилроқ фаолият олиб боришини жадаллаштириш мақсадида Туркистон КП Самарқанд вилоят ижроия бюроси 1922 йил 25 сентябр кунги қарори билан Ғози Юнусни масъул муҳаррир этиб тайинлайди. Шу йилнинг ўзида Самарқандга яна қайтиб “Зарафшон”

газетасини ташкил қилишда ҳам асосий фигура вазифасини ўтайди. Бу тўғрида маърифатпарвар Ҳожи Муин “Самарқанд матбуотининг тарихи” мақоласида: “Туркистон жумҳуриятининг марказий фирқа қўмитаси Самарқандда “Зарафшон” отлиғ мунтазам бир газета чиқориш учун ўртоқ Ғози Юнусни тайинлади.

Ғози ўртоқ Тошкентдан бир неча пуд янги ҳарф, 150 пудча яхши оқ қоғоз ва иккита ҳуруфчини (ҳарфчини – М.Алижонов) келтириб, бу ерда “Зарафшон” газетасини чиқора бошлади. Ғози ўртоқ бу газетани ҳар жиҳатдан яхшигина йўлга қўйгач ўзи 1923 йилнинг бошларида Тошкандга кетди” [5:2] деб ёзган эди. Ғози Юнус Самарқанддан қайтиб келгач “Туркистон” газетасида (1923 йил) бўлим мудир ва масъул муҳаррир вазифаларида ишлади. 1922-1924 йилларда “Туркистон”, 1924 йил декабрдан бошлаб “Қизил Ўзбекистон” газетасида бўлим мудир сифатида фаолият кўрсатди. Орада (1923 йилда) “Муштум” журнаlining асосчиларидан бири бўлишга ҳам улгурди [8:18].

Ғози Юнус “Иштирокиюн”, “Қизил байроқ”, “Туркистон”, “Камбағаллар товуши”, “Зарафшон”, “Қизил Ўзбекистон”, “Шарқ ҳақиқати” газеталари, “Муштум”, “Машраб”, “Инкилоб”, “Тонг”, “Учкун”, “Шарқ”, “Ишчилар дунёси” нашрларда босилган публицистик мақолалари ва ҳажвияларига “Ғози Юнус”, “Ишчи”, “Боғбон”, “Машраб”, “Ғис”, “Ғурт”, “Нис”, “Шик”, “Шапоқ маҳзум”, “Барокхон талабаси”, “Барокхон тартараги”, “Тайёқ”, “Шапоқ”, “Шапалоқ”, “Оттўрва соқол”, “Йўқсул”, “Оқпадар”, “Чўқмор”, “Чўқич”, “Қўрқоқ авлиё”, “Сир”, “Дилгир” каби ўттизга яқин таҳаллуслардан ва “Ғ”, “Н”, “Н н”, “Б”, “З”, “С” каби киптограммалардан фойдаланган [8:30]. Шунингдек биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ғози Юнуснинг “Ишчи”, “Адабиёт кули”, “Мулла Мушфиқий”, “Қалампир”, “Сумалак авлиё”, “Қўрқоқ айёр” ва “Бойқуш” каби таҳаллуслар остида ҳам ижод қилгани аниқланди. Бу борада яқиний хулоса қилиш мумкинки, Ғози Юнус қирққа яқин таҳаллус билан ижод фаолиятини олиб борган.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг ривожланиши ҳам силлиқ кечгани йўқ. Бу ерда ҳам Бухорода бўлгани каби жадид-қадим мунозаралари, икки қатламнинг ўзаро

тушунмаслиги каби муҳит ҳукмрон эди. “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 23 май кунги сониди чоп этилган “Жадид ва қадим недур?” мақоласи сўзимизга исбот бўла олади. Мақола муаллифи Абдуллоҳ аш-Шоший жадид ва қадим калималарида ҳеч қандай гуноҳ йўқлигини таъкидлаб, балки ҳақиқий гуноҳ “расмий қабихчамиз ила одати шаръийядадир” [1:1]. Шу боисдан ҳам ўзаро ихтилофларни тугатиб, икки томон ҳам бир-бирини энг аввало тушуниб олишлари лозим ва лобуддир. Шунингдек муаллиф мусулмонларнинг иккинчи манбаси бўлмиш ҳадисдан “Бинобарин Ҳазрати Имом Раббонийни мужаддиди соний дерлар. Яъни санойи ҳижрияънинг иккинчи минггида динни жадид қилғувчи, ривожлантиргувчи ва нусрат юборғувчи дейиладир ва ҳам ҳадисда келибдурки, “Аллоҳ таоло ҳазрати юборур ва пайдо қилур ушбу уммат марҳаматининг нафъи учун ва дини исломнинг ривожи ва тараққийси учун ҳар юз йил бошида мужаддид юборадур” мисолини келтириб, илоҳий моҳият ва диннинг ўзи жадидчиликни яъни ислохотчиликни талаб қилишини ёзади.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракати жараёнларида Ғози Юнус ҳам ўзининг салмоқли ўрнига эга. Унинг XX аср бошларидаги тараққийпарварлик ҳаракатини ижобий баҳолаган ҳолда айтиш мумкинки, у ҳам бошқа аксарият тараққийпарварлар бўлмиш, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Обиджон Маҳмудов ва бошқа шулар каби инсонларнинг маслак ва мақсадлари йўлида хизмат қилди. У бир томондан турли хил бидъат ва хурофотларга қарши курашиш лозимлигини таъкидласа, бошқа томондан халқни янги усул мактабларида ўқишга тарғиб этди. Ғози Юнус ҳам аксарият зиёлилар каби эски усул мактаблари ўз умрини ўтаб бўлганини, ундан энди ҳеч қандай фойда йўқлигини аксинча қайтага зарар келтиришини таъкидлади. Жумладан у ўзининг “Эски мактаблар ҳақида” номли шеърида:

Кўз очинг Турон эли, биз илмсиз помолмиз,  
Иш агар бу йўлда кетса не бўлур аҳволимиз.

Янги мактаблар очилди бизга лозимдур ўқиш,

Илм олсақ яхши бўлғай бизнинг ҳама афъолимиз.

Эски мактаб биз на лозим ҳамон қилғай давом,

Эй маориф аҳли, тезракдир керак ёпмоғимиз.

Эски мактаб орақасида бўлди Туркистон ҳароб,

Илмсизлик орасида битгувси исломимиз [11:2] деб ёзди.

Ғози Юнус илмли мусулмон сифатида ислом динининг минтақа ҳаётида тутган ўрнини чуқур англаган, бу диннинг энг етук вакиллари бўлмиш уламоларга мурожаат қилган, улардан Туркистон халқларини уйғотишни, жаҳолатдан маърифатга йўналтиришни, турли хил фитна ва фасодларга барҳам беришни сўраган, уларнинг асл вазифалари фирқаларга бўлиниб олиб жанжаллашишда эмас, балки миллат ва халқни маърифатли қилишда эканлигини таъкидлаган. Жумладан Ғози Юнус ўзининг “Ал-Уламо варасатул анбиё” (Уламолар пайғабарларнинг меъросхўрларидир) мақоласида: “Ислом динининг қабулини мушарраф бўлгон ва исломият тарбияти ила тарбияланмиш ҳар бир мусулмон юқоридаги ҳадиси шарифни жаноб саййидил аъзам ва расули каримимизнинг қавли шарифи бўлғонийга инонмишлар. Демакки бир пок мусулмон уламо лақаби ва асосига етушкан вақтида анбиё сифатлари ила сифатланиб ва анбиёларнинг ўз миллатлариға фидокорона хизматларинда сабот этганлари каби ворисликға етушканлари учун дин ва миллатлариға фидокорона хизматлар ила исбот ҳуқуқ этсалар вориси анбиё бўлурлар.

Уламо лақаби ва аълосига етушкан зоти киромнинг вориси анбиё бўлдиқларинда ҳеч бир мусулмоннинг шубҳаға тушуражак ер йўқдир. Набийлар ҳар бирлари шахс воҳид бўлдиқлари ҳолда сабот ва матонатлари соясида ўз қавмларини руҳониятға даъватлари ила баробар маданиятға тарғиблари соясида ўз қавмларини бошқа қавмларға қиёс қабул этилмас даражада юқори кўтармишдир” [7:3] деб ёзади. Ғози Юнус учун уламолар (олимлар М.Алижонов) ўз қавмларининг ҳар қандай ситамларига чидам, сабр ва матонат кўрсатиб, инсонларни тўғри йўлга солишға қандай интилган бўлса уламолар ҳам шундай намуна кўрсатган ҳолда одамларға саодатли манзилни кўрсатишлари лозимдир. Шунингдек улар ҳудди пайғамбарлардек дин билан баробар маданиятға ҳам чақиришлари, одамларни рационал тафаккур қилишға, оламни ва ижтимоиётни мулоҳаза қилишға

даъват қилишлари даркор. Агар “...ўзлари ворис бўлганларига инонсалар Аллоҳ Аъзимуш шан тарафидан берилган бир қувват ила миллатни иттифоқ ва низомга солуб Жаноби Аллоҳ, Каломи шариф ва расули акрамимиз тарафларидан уларга омонат қўйилмуш вазифаларга тушуниб Жаноби Аллоҳга мутавассил бўлиб, миллатлариға лозим бўлгон хизматларини адо этсунлар. Диний, миллий, маданий ва сиёсий бирор ҳабар бўлгонларини кўрсатуб, миллатнинг ўзига муносиб ҳар бир жамиятиға тавводдеъ ва зойиф этсунлар” [7:4].

Ғози Юнус мадрасаларни ислоҳ этиш масаласини ҳам бошқа аксарият жадидлар сингари амалга оширилиши зарур бўлган вазифалардан бири деб билди. Бу тўғрида унинг ўзи: “Туркистонда ислоҳи мадарийс масаласи кўпдан бери қўзғолгон бўлинсада, маълум қора кучларнинг (Ғози Юнус қора кучлар деганда чор ва болшевиклар ҳукуматини назарда тутмоқда – М.Алижонов) қарши ҳаракати ва эскичиларнинг тескари тутқон йўллари орқасида, ҳар бир замон кутар лекин ислоҳи мадарийс товушина чуқурроқ қабр қазилур эди. Ислоҳи мадарисчилар (мадрасани ислоҳ этишни истовчилар – М.Алижонов) гарчи Хўқанд ва Тошқанд шаҳарларида бор бўлсада, эскиларнинг қуввати олдида чеккаларда пусиб ётмоққа мажбур эдилар. Ўзгариш бошланиши билан мадрасани замонга мувофиқ ислоҳ этишни амал қилиб олгон кичкина гуруҳларга нафас олиш мумкин бўлиб, ёнлариға тарафдорлар тўплашға имконият ҳосил бўлди” [12:2] деб таъкидлайди. 1917-1918 йилларда Қўқоннинг баъзи мадрасаларида ва Тошкентнинг машхур Бароқхон мадрасасида таълимни ислоҳ қилиш тарафдорлари бош кўтардилар. Бироқ Фарғонада бошланган мухторият атрофидаги воқеалар сабаб ушбу эзгу ният амалга ошмасдан қолди. Тошкентдаги мадрасаларни ислоҳ қилишга ҳаракат қилаётган талабалар ўзларига Бароқхон мадрасасини умумий қароргоҳ қилиб олишиб, “эскилар ва эскичилар” билан курашдилар. Ислохот тарафдорлари мадрасадан 40-50 йилдан бери фаолият олиб бораётган “муборак” хўжаларни ҳайдаб чиқариб, уларнинг ўрнига ўзини кўрсата олган, замон зайли билан яшаб, унинг талабаларига жавоб берадиган мударрислар ишга жойланди. Бироқ “...шундай бўлса ҳам

халкнинг руҳи билан ҳисоблашмоққа тўғри келди ва бирдан (мадрасаларни М.Алижонов) ислоҳ этиш мумкин бўлмади” [12:2].

1917 йилнинг феврал ойида болшевиклар, меншевиклар ва сўл эсерлер куч билан ҳокимиятни эгаллаб олгач, 1917 йил 2 ноябрда Ленин ва Сталиннинг “Россия халқлари ҳуқуқлари декаларацияси” ва “Миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари ҳал этиш имконияти”га доир баёнотлари эълон қилинди. Юқорида тилга олинган баёнотлар билан Ленин ва Сталин империя ҳудудида яшовчи халқлар учун миллий давлат қуришга ваъда қилган ҳолда, ҳатто янги барпо этиладиган миллий давлатлар инқилобий органлар томонидан тўлиқ ҳимоя қилинади, деб ваъда берилди.

Шу мақсадда 1917 йилнинг 27 ноябр куни Қўқон шаҳрида Туркистон мусулмонларининг навбатдаги конгресси чақирилиб, яқунда 54 кишилиқ Кенгашга бўйсунувчи саккиз аъзолик “Туркистон мухториятининг муваққат ҳукумати”ни сайланди ва Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган воқелик – Туркистон мухториятига асос солиниб, маҳаллий халқ бўлмиш туркистонликлар яна бир бор давлатчилик меъросига эга эканликларини исботлашди. Ушбу воқеилик ўша давр тараққийпарварларининг барчасини хушнуд этди, тўлқинлантирди. Жумладан Абдурауф Фитрат: “Туркистон мухторияти... Темур ҳоконининг чин болалари ёнида, Туркистоннинг тубжой турклари орасинда бундан муқаддас, бундан суюнчилик бир сўзни борлиғига ишонмайман. Туркистон туркининг конини қайнатгувчи, иймонини юксалтиргувчи бир қувват бор эса, ёлғиз шу сўзда бордир: Туркистон мухторияти” [4:1] деб ифтихор қилди. Абдулла Авлоний:

“Тулистон ўлди олам ҳар тарафда сайради булбул,

Асоратдан қутулди барча, истиёр хур йўл,  
Ҳазондан сақла, ё Рабб! Истиёр миллат тикансиз гул,

Етушмоқ муддаога илимсиз ҳайҳот, эрур мушкул,

На меҳнатларни кўрдук, ҳар қаю агёр зулминдан” деб ёзган бўлса, тараққийпарвар шоир Сирожиддин Сидқий:

“Эмди бизларға бу кун ғоятда ҳуррият керак!

Пок кўнгил, соф дил бирла тузук ният керак” деб, келажакда амалга оширилиши керак бўлган ишларни етти ўлчаб бир кесишга, барчани бир ёқадан бош чиқарган ҳолда ҳаракат қилишга чақирди.

Ғози Юнус ҳам тараққийпарвар зиёлилар катори Туркистон мухториятининг ташкил топганлигидан хурсанд бўлди ва ўзининг кўплаб мақолаларида қизгин қўллаб-қувватлади. Жумладан Ғози Юнус “Ишчилар дунёси” журналида фаол тарзда Туркистон мухториятининг легитимлигини сақлашга, мустаҳкамлашга чақирди ва ушбу мухториятнинг ноқонуний тузилганлигига доир фитна назарияларни қатъийан рад этди. Жумладан унинг “Тошкент масжиди жомеъинда 5 январ, жума куни “Уламо жамияти” тарафидан катта йиғин бўлиб, умумтуркистон учун зўр кўнгилсиз воқеа бўлиб ўтди. Тарихда Туркистон учун бир қаро саҳифа очилди” жумлалари билан бошланувчи “Туркистон учун хўрлик” мақоласида, мавжуд вазиятга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилади [2:94], шунингдек масжидда йиғилган уламоларнинг Туркистон мухториятини қўллаб қувватлаш ўрнига, аксинча унга нисбатан ишончсизлик билдирганлигини қаттиқ қоралади.

Муаллиф: “Кечагина масжиди жомеъда қарийб икки юз минг бир оғиздан аҳд қилиб, такбир айтиб, йиғлашиб Хўқанддаги муваққат ҳукуматга байъат қилиб, керак бўлса жонимиз, молимиз, қонимиз билан ёрдам қилмоққа вада қилуб тарқалиб эдик. Яна иккинчи маротаба муваққат ҳукуматга содиқлигимизни ажнабий миллатларга кўрсатмак учун (1917) 13 декабрда ёшу-қари, уламою- ишчи байроқлар кўтариб намойиш ясаб, иккинчи қайтадан муваққат ҳукуматга содиқлигимизни изҳор қилдик. Маъал таъассуф орада ҳеч қанча фурсат ўтмасдан муваққат озми-кўпми ишлаб турганидан кейин бир тўда лойқа сувдан балиқ овлайдирган иртижопараст мухторият душманлари масжиди жомеъда одамлар ўртасида мухторият хусусинда сўз кўзғотиб, содда халқнинг кўзига бир дона тухумни етмиш ҳил бўяб кўрсата бошлади.

Бечора бизим халқ камоли софдиллигидан бул жанобларнинг ноҳақ сўзларин ҳақ фаҳмлаб ҳаяжонга келдилар”, [13:4] деб ёзади. Шу ўринда бир жиҳатни айтиб ўтиш керакки, Ғози Юнус айтаётган масжидда бўлиб ўтган

шармандали воқеа аслида болшевиклар томонидан амалга оширилган фитна бўлиб, унда аслида ҳеч қандай уламо бўлмаган оддий бир ёлланма шахс тўсатдан масжид минбарига чикиб Туркистон мухториятини жадидлар томонидан қурилган давлат деб ёмонлай бошлаган. Натижада халқда ўзаро фирқаланиш кузатилиб мухториятга нисбатан ишончсизлик юзага келган. Мустамлакачи давлат томонидан амалга оширилган фитна ўз таъсирини кўрсатиб, унга ҳатто Ғози Юнус ҳам ишонган ва ўз мақолаларида уламоларни Туркистон мухториятига қарши деб ҳисоблаб, уларга қарши фикр билдирган.

Болшевиклар ҳукумати Туркистон мухториятини ҳарбий куч билан йўқ қилиб ташлашдан олдин аввал халқ ўртасида унинг обрў эътибори ва легитимлигини парчалашни мақсад қилган эди. Буни албатта кўпчилик давр зиёлилари сингари Ғози Юнус ҳам чуқур англаган. Шу боисдан ҳам у: “...мухтарам уламоларимиздан, суюкли ёшларимиздан ўтинамизки, бундан буён ҳар икки тараф ҳам соф бўлиб ҳаракат қилингиз. Уламоларимиз қора халқ бизнинг орқамизда деб Туркистонга уят келтирадирган ишни ишламасунлар. Ёшларимиз ҳам ўз фойда-зарарини ажратолмаган халқимиз учун кеча кундуз раҳмат ўрнига лаънат эшитиб, бошдан оёқ қуфр печати билан печатланиб, охири ўртада бирор қонли воқеа бўлиб, бадбахт Россиянинг аҳволи Аллоҳ сакласун, бизим Туркистон бошига тушмасун деб қўрқамиз” [13:5] деб ёзган ҳолда, халқни мухториятни асраб қолиш йўлида ўзаро ихтилофларни бас қилиб бирлашишга чақирди.

Ғози Юнус қуруқ қоғозда “мухторият” деб қўйилгани билан тузилиб қолинмаслигини, бунинг учун Туркистонда яшовчи олти ёшдан олтмиш ёшгача (яъни барча – М. Алижонов) чин дилдан исташи ва бу йўлда жидду-жаҳд қилиши лозимлигини урғулаб, халқни давлатчиликка доир масалаларни тинч ва демократик тамойиллар асосида овоз бериш йўли билан ҳал этишга чақирди. Бироқ муаллиф энг аввало ана шу овоз бериш маданиятини шакллантириш лозимлигини қайд этиб, бу борада Туркистон халқининг маданияти ўта саёз эканлигини очиқ ойдин таъкидлади: “Маданий миллатлар каби қўл кўтарганда масалани ҳал бўлишини билмасмиз, Эшмуҳаммад қўл кўтарса, Тошмуҳаммадбой

қўл кўтарадир. Уламо киёфатида бир киши минбарга чиқиб “Бизларга оқ керак” деса, “Ҳа тақсир оқ керак”, агар қора керак деса “Ҳа тақсир, албатта қора керак” деб кичкирадир” [13:5]. Ғози Юнус ўзининг юқоридаги сўзлари билан халқнинг ижтимоий-сиёсий онгининг қай даражадалиги хусусида ҳам маълумот бермоқдаки, муаллифнинг истаги мавжуд ҳолатни ва тарафларнинг ўзаро даъволарини таҳлил қила оладиган, шундан сўнггина хулоса чиқара оладиган шахслар оммасини (яъни ҳуқуқий онг кенг миқёс отган жамиятни) яратиш нечоғлик зарур эканлигига ишора қилади.

### ХУЛОСА

Ғози Юнус тараққийпарвар ва фаол жамоат арбоби сифатида XX аср бошларидаги тараққийпарварлик жараёнларида фаол иштирок этди. У жаҳидлар қаторида Туркистоннинг азалий ва ўз ечимини кутиб ётган муаммоларини дадил кўтариб чиқиб, халқ ва ҳукумат эътиборини уларга қаратишга ҳаракат қилди. Шунингдек, Ғози Юнус Туркистон мухториятини ҳам қизғин қўллаб-қувватлаб, ёш давлатни асраб қолиш ва легитимлигини мустаҳкамлаш йўлида қизғин фаолият олиб борди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Абдуллоҳ аш-Шоший. Жаҳид ва қадим недур? // “Садойи Туркистон” газетаси. 1914 йил, 23 май.
2. Ирзаев Б. Туркистон мухторияти тарихини ўрганишда муҳим манба // “Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон мухториятининг ўрни ва роли” мавзuidaги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017.
3. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: Маънавият, 2002.
4. Фитрат. Мухторият // “Хуррият” газетаси. 1917 йил, 5 декабр.
5. Ҳожи Муин. Самарқанд матбуотининг тарихи // “Зарафшон” газетаси. 1922 йил, 5 май.
6. Ғози Юнус. Ишчи. Жаҳид қадим пьесаси ўйналди // “Иштирокиюн” газетаси. 1919 йил, 22 август.
7. Ғози Юнус. Мардикор. Ал-Уламо варасатул анбиё // “Турон” газетаси. 1917 йил, 6 сентябр.
8. Сирожиддин Аҳмад. Ғози Юнус. – Т.: Мумтоз сўз, 2017.
9. Сирожиддин Аҳмад. Ватан ва халқ манфаатини кўзлаган адиб. Тарихнинг номаълум саҳифалари. 6-китоб. – Т.: Unlimited print, 2017.
10. Умурзақов Ғ. Ғози Юнуснинг ижодий йўли. Филол.ф.номз. ... дисс. – Т.: 1996.
11. Ғози Юнус. Эски мактаблар ҳақида // “Иштирокиюн” газетаси. 1919 йил, 25 июн.
12. Ғози Юнус. Мадрасаларимизда ислоҳот // “Туркистон” газетаси. 1923 йил, 6 феврал.
13. Ғози Юнус. Туркистон учун хўрлик // “Ишчилар дунёси” журнали. 1918 йил, 4 январ.